

МММК фани 1-лекция

Мавзу:

**ФАНГА КИРИШ, УНИНГ
АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ ВА
МАҚСАДИ, ТАРКИБИЙ
ҚИСМЛАРИ**

Режа:

1. МММК фанига кириш.
2. МММК фанининг мақсади ва вазифалари.
3. МММК фанининг таркибий қисмлари.
4. МММК фанининг ривожланишига ҳисса қўшган олимлар ва уларниң ишлари.

МММК фанни бўйича юклама ва рейтинг баҳолаш

Кафедра	ХФХ
Боскич	4
Семестр	7
Маъruzалар	54 соат
Амалий дарслар	18 соат
Лаборатория дарслари	-
Семинар дарслари	18 соат
Мустакил ишлар	36 соат
Имтихон	+
Жами аудит. соатлари:	90 соат

Назорат утказиш		Мак. балл	Утиш бали
Назорат тури			
Умумий		100	55
Жорий назорат		40	22
Жорий назорат-1		20	11
Жорий назорат-2		20	11
Оралик назорат		30	17
Оралик назорат-1		20	11
Оралик назорат-2		10	6
Якуний назорат		0-30	

4. СЕМИНАР ДАРСЛАРИ

1. Оғирлиги ва заарлиги бўйича ишларни категорияларга бўлиш ва унинг аҳамияти. 2 соат.
2. Ўзбекистон Республикасида меҳнатни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий – меъёрий асослари тизими. 2 соат.
3. Аёллар ва ёшлар меҳнатини муҳофаза қилиш ва унинг ҳуқуқий асослари. 2 – соат.
4. Меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларини режалаштириш ва маблағ билан таъминлаш асослари. 2 соат.
5. Ишлаб чиқаришда жароҳатланишлар ва уларни таҳлил қилиш усуслари. 2 соат.
6. Ишлаб чиқариш санитарияси ва гигиенаси, унинг аҳамияти. 2 соат.
7. Автоматик ажраткичлар ва уларнинг ишлаш моҳияти. 2 соат.
8. Транспорт ишлари ва унда хавфсизликни таъминлаш тадбирлари. 2 соат.
9. Ёнғинни олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар тизими. 2 соат.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ

1. Техника тараққиёти натижасида меҳнатни мухофаза қилиш фани аҳамимиятининг ошиши.
2. Номенклатура чора - тадбирларининг салмоғи ва мундарижасининг ошиши.
3. Хавфсизликни таъминлашга қаратилган воситаларнинг замонавий турлари.
4. Бошқариш тизимининг такомиллаштирилган турлари.
5. Технологик жараёнларда ҳосил бўладиган нурланишлар ва уларга қарши кураш чора-тадбирлари.
6. Инфрақизил нурлардан фойдаланиш ва ундан ҳосил бўладиган хавфли омилларни йўқотиш тадбирлари.
7. Электромагнит нурларидан фойдаланиш ва улардан пайдо бўладиган хавфли омилларга қарши кураш чора - тадбирлари.
8. Ёнғин хавфсизлигини таъминлашга қаратилган замонавий ускуналар.
9. Ўт ўчиришнинг замонавий воситалари.

6. КУРС ЛОЙИҲАСИ

- “Меҳнат муҳофазасининг маҳсус курси” фанини чуқур ўрганиш мақсадида талабалар „Ишлаб чиқариш хоналари ҳаво алмаштириш тизимидағи вентилятор қурилмасининг титраш изоляторини лойиҳалаш” мавзусидаги курс лойиҳасини бажарадилар.
- Курс лойиҳасини бажариш вақтида бўлғуси бакалавр ишлаб чиқариш хоналарида меҳнат шароитини яхшилаш воситаларининг янгиларини ҳисоблаш ва лойиҳалаш, ҳамда мавжудларини мукаммаллаштириш ишларида юзага келадиган турли масалаларни ечиш услубларини эгаллаши лозим. Бунда асосий эътибор ишлаб чиқариш хонасида титраш ва шовқин даражасини пасайтириш тадбирларига қаратилади.
- Курс лойиҳасининг ҳажми ва таркиби қўйидагича бўлади: курс лойиҳаси **20-25 бет** қўлёзма шаклдаги ҳисоблаш-тушунтириш ёзувидан ва зарур расмлар, жадваллар, графиклардан, ҳамда **2 та A 24** форматдаги қаттиқ қоғоздаги (ватмандаги) чизмалардан иборат бўлади. Биринчи қаттиқ қоғозда ҳаво алмаштириш тизимининг лойиҳаланган вентилятор қурилмаси умумий кўриниши иккита проекцияда; иккинчи ватманда эса титраш изоляторининг умумий кўриниши зарур кесим ҳамда қирқимлар билан берилади.

ДАРСЛИКЛАР

- Юлдашев Ў. ва бошқалар. Мехнатни муҳофаза қилиш. Тошкент, 2005.
- Ёрматов F., Исамуҳамедов Ё. Мехнат муҳофазаси. -Т.: Ўзбекистон, 2002. – 384 б.
- Фойипов Ҳ. Э. Мехнат муҳофазаси. -Т.: Мехнат, 2000. – 253 б.
- Йўлдашев Ў.Р., Усмонов, У., Қудратов О. "Мехнатни муҳофаза қилиш". –Т.: 2001.
- Yormatov G'.YO. va boshqalar. Hayot faoliyati xavfsizligi. –Т.: "Aloqachi", 2009 yil. – 348 b.
- G'oyipov H.E. Hayot faoliyati xavfsizligi. –Т.: "Yangi asr avlodi", 2007 yil. – 264 b.
- Qudratov A. va b.. "Hayotiy faoliyat xavfsizligi". Ma'ruba kursi. "Aloqachi" -Т.: 2005. -355 b.
- Nigmatov I., Tojiev M. X. "Favqulodda vaziyatlar va fuqaro muhofazasi" Darslik.-Т.: Iqtisod-moliya. 2011. -260 b.
- Луковников А.В. Мехнат муҳофазаси. – 4-чи русча нашридан таржима. -Т.: Уқитувчи, 1984. – 373 б.
- Луковников А.В., Шкрабак В.С. Охрана труда. – 6-е изд. -М.: Агропромиздат, 1991. – 319 с.
- Охрана труда /Под. ред. Ф.М. Канаева. – 2-е изд. -М.: Агропромиздат, 1988. – 351 с.
- Беляков Г.И. Охрана труда, -М.: Агропромиздат, 1990. – 320 с.
- Пчелинцев В.А. и др. Охрана труда в строительстве. -М.: Высш. шк., 1991. – 272 с.
- Охрана труда в электроустановках. /Под. ред. Б.А. Князевского. – 3-е изд. -М.: Энергоатомиздат, 1983. – 336 с.
- Филиппов Б.И. Охрана труда при эксплуатации строительных машин. З-е изд. - М.: Высш. шк. 1984. -392 с.

ЎҚУВ ҚҰЛЛАНМАЛАР

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: "Ўзбекистон", 2004.
- Ислом Каримов. "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари". –Т.: "Ўзбекистон", 1997.
- Ислом Каримов. "Жаҳон молиявий–иқтисодий инқирози, Узбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари". –Т.: "Ўзбекистон", 2009.
- **"Ўзбекистон Республикасида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартиби туғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"**. Уз.Р. ВМ Қарори. Узбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 12-сон, 155-модда. 2013 й.
- **"2013 – 2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чоратадбирлари туғрисида"**. Уз.Р. Президентининг Қарори. Узбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 17-сон, 223-модда. 2013 й.
- тўплами. –Т.: 2005 й., 37-38 - сон.

- Шкрабак В.С., Казлаускас Г.К. Охрана труда. -М.: Агропромиздат, 1989. – 480 с.
- Додобоев Ю., Ҳамидов М. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида меҳнат муҳофазаси. –Т.: Меҳнат, 1990. – 136 с.
- Отахонов М. Қурилишда меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси. -Т.: Меҳнат, 1991. – 104 б.
- Долин П.А. Справочник по технике безопасности. 6-е изд. - М.: Энергоатомиздат, 1985. – 824 с.
- Безопасность производственных процессов: Справочник/ Под общ. ред. С.В. Белова. -М.: Машиностроение, 1985. – 448 с.
- Охрана труда в сельском хозяйстве: Справочник /Сост. В.М. Михайлов и др. 4-е изд. -М.: Агропромиздат, 1988. – 543 с.
- Луцкий В.Г. Охрана труда при эксплуатации оросительных систем. -М.: Агропромиздат, 1990. – 61 с.
- Ёнғын хавфсизлиги.2-нашри./А.Е. Худоев таҳрири остида. – Т.: Уз.Р. ИИВ ёнғын хавфсизлиги олий техник мактаби. 2007. – 722 б.
- “Меҳнат Кодекси”. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари

- "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонун. Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. –Т.: 2002 й., 1-сон.
- Меҳнат муҳофазаси бўйича Вакил тўғрисида Низом. Адлия вазирлиги томонидан 1995 йил 18 декабрда 196-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган, –Т.: 1995.
- Меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил этиш тўғрисида. Меҳнат вазирлигининг Намунавий низоми, №273 от 14.08.1996, –Т.: 1996.
- Меҳнат муҳофазаси бўйича ўқишларни ташкил қилиш ва билимларни синаш тўғрисида. Меҳнат вазирлигининг Намунавий низоми, №272 от 14.08.1996, –Т.: 1996.
- Меҳнат шароитларини баҳолаш ва меҳнат шароитлари бўйича иш ўринларини аттестация қилиш услуби. Меҳнат вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги ишлаб чиқсан, №247, 28.05.1996, –Т.: 1996.
- Ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил заарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги Низом. Вазирлар Маҳкамасининг қарори №286, 06.06.1997, –Т.: 1997.

- “Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва қасб қасалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида”ги қонун. Узбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 37-38-сон.
- “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги қонун. Узбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, –Т.: 2009 й., 16-сон.
- Меҳнатни муҳофаза қилишга доир меъёрий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ва ишлаб чиқиш тўғрисида. Вазирлар Маҳкамасининг № 267 қарори, 12.07.2000, –Т.: 2000.
- Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш тўғрисида. Вазирлар Маҳкамасининг №153 қарори, 20.07. 2010, –Т.: 2010.
- Таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнида ўқувчилар ва талабалар билан юз берган бахтсиз ҳодисаларни текшириш ва ҳисобга олиш тартиби тўғрисида НИЗОМ. Узбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, -Т.: 2011 й., 3-сон, 29-модда.

Интернет сайлари.

- 1.www.bilim.uz..-Вазирлик сайти
- 2.www.ziyo.edu.uz.-Вазирлик сайти
- 3.www.agro.uz -.Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги сайти.
- 4.www.mintrud.uz.-Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги сайти.
- 5.www.standart.uz.-Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги сайти.
- 6.www.v-nadzor.uz.-Давсувхўжаликназорат сайти.
- 7.www.sanoatktn.uz.-Саноатгеоконтехназорат сайти.
- 8.www.energonazorat.uz.-Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси (Ўздавэнергоназорат) сайти.
- 9..LexUz.-Ўзбекистон Республикасининг миллий қонунчилик базаси.
- 10.http://www.znakcomplect.ru.-Охрана труда и техника безопасности.
- 11..www.ohranatruda.ru.-Охраны труда, технике безопасности и пожарной безопасности.
- 12.http://www.atis-ars.ru./strolist.php.-Атис-Арс: охрана труда и техника безопасности.
- 13.<http://otipb.narod.ru/>
- <http://otipb.ucoz.ru/>..-Интернет справочник "Охрана труда и пожарная безопасность".
- 14..www.tehlit.ru/.-Электронная библиотека технической литературы.
- 15.www.normativinfo.com/.-.Неофициальный сайт нормативных документов.
- 16..http://pb.mos.ru/ttb.-Интернет журнал "Технологии техносферной безопасности"

КИРИШ

"Хавфсизлик, барқарорлик ва сабитқадамлик, ҳар бир халқнинг тинчлиги, фаровонлиги, равнақи учун мустаҳкам пойдевор яратади".

Ислом Каримов.

- Мамлакатнинг ҳар бир фуқароси ўзи яшаб турган жамиятни шакллантиришдаги, ривожлантиришдаги, ишлаб чиқаришда ишлашдаги ва уни бошқаришдаги асосий куч ҳисобланади.
- Демак, ҳар бир давлатнинг асосий бойлиги унинг фуқаролариdir, шу жумладан аҳолининг катта қисмини ташкил қилувчи ёшлардир.
- Шу сабабли фуқароларнинг меҳнат хавфсизлиги таъминлаш ва соғлиғини сақлаш жамият ижтимоий тараққиёти йўлидаги муҳим омил ҳисобланади.

- Фуқаролар ҳаёти ва меҳнати хавфсизлигини таъминлаш муаммоси ҳар бир жамият учун долзарб масала бўлиб, у давлатнинг иқтисодий ривожланганлигига ва барқарорлигига, кучли илмий–техник ва интеллектуал имкониятларга эга эканлигига боғлиқ.
- Давлат учун кучли илмий–техник ва интеллектуал имкониятлар заҳираси эса – ёшлардир, уларнинг олган таълим ва тарбияси, ўз мутахассисликлари бўйича эгаллаган билими ва уқуви даражасидир.

- Бу тўғрида ҳурматли президентимиз **И.А. Каримов** шундай сўзларни айтган эдилар - “Ҳаммамизга теран бир ҳақиқат аён бўлиши керак – биз юртимизнинг эртанги ривожи йўлида қандай чуқур ўйланган дастурларни тузмайлик, бу режаларни бажариш учун қандай моддий база ва имкониятларни яратмайлик, бунинг учун қандай кўп сармоя сафарбар этмайлик, уларнинг барчасини амалга оширадиган, рўёбга чиқарадиган қудратли бир омил борки, у ҳам бўлса, юқори малакали ишчи кучи ва юртимизнинг эртанги куни, тараққиёти учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган етук мутахассис ёшларимиз, десак, ўйлайманки, ҳеч хато бўлмайди”.

Фаолият ва меҳнат

- Меҳнат инсон фаолиятиниңг олий шакли ҳисобланади
- Чунки фақат меҳнат туфайлиги на инсониятниң барча моддий, маънавий ва бошқа турдаги бойликлари яратилади.
- Меҳнатниң шакллари хилма - хилdir. Улар турмушда, жамиятда, маданиятда, ишлаб чиқаришда, илмда ва бошқа ҳаёт соҳаларида кечадиган амалий, ақлий ва маънавий жараёнларни ўз ичига олади.

Меҳнат жараёни

- Инсон ўз меҳнатини мукаммаллаштириш ва унинг унумдорлигини ошириш мақсадида меҳнат қуролларини ва ишлаб чиқариш воситаларини доимий ва тўхтовсиз равишда ўзгартириб боради. Бунинг натижасида у доимий равишда юзага келадиган турли заарарли ва хавфли омиллар таъсири остига тушиб туради.

- Халқ хұжалигининг турли соҳаларида мұраккаб техник қурилмалар ва машиналарнинг құлланилиши натижасида ишловчиларда нерв-психологик, статик юкланишлар, невроз ҳолатлари, касб касалликлари күпайди, авария ва фалокатлар содир бўлиши ортди.
- Булар ўз навбатида ишлаб чиқаришда мәхнат хавфсизлигини таъминлаш масаласининг аҳамиятини оширади.
- Юқоридаги масалани ишлаб чиқаришда самарали ечиш учун қонуний, ижтимоий-иктисодий, ташкилий, техник, гигиеник ва даволаш-олдини олиш тадбирлари ва воситалари тизими니 жорий қилишни талаб этади, яъни „Мәхнат мұхофазаси“ни тадбиқ этиш талаб этилади.

ГОСТ 12.0.002-2003 бўйича:

„Меҳнат мухофазаси” – меҳнат жараёнида ишловчилар соғлиғини ва иш қобилиятини саклашга, ҳамда хавфсизлигини таъминлашга қаратилган қонуний ҳужжатлар, ижтимоий-иктисодий, ташкилий, техник, гигиеник ва даволаш-олдини олиш тадбирлари ва воситалари тизимиdir.

- Мәхнатни мұхофаза қилиш фани бир қанча фанлар чегарасида вужудға келди. Бунда ишлаб чықаришдаги ҳамма жараёнлар ҳисобға олинади.
- Булар:
 - ишлаб чықарылған мұхити ва шароити,
 - инсон билан ишлаб чықарылған қуроллари ўртасидаги боғланиш,
 - технологик жараённинг бориши,
 - мәхнат қилишни ва ишлаб чықарышни ташкил қилиш ва бошқалардир.

„Мәхнат мұхофазаси” фани қуидаги фанлар билан үзвий боғланған:

1. **Ижтимоий, ҳуқуқшунослик** ва **иқтисод** фанлари — мәхнат ҳуқуқи, жамиятшунослик, мәхнатни илмий ташкил қилиш, иқтисод, қишлоқ ва сув хұжалигини ташкил қилиш ва режалаштириш ва башқа.
 2. **Тиббиёт** фанлари — мәхнат гигиенаси, саноат санитарияси, саноатда зақарланиш, мәхнат физиологияси, мәхнат қилиш психологияси.
 3. **Техника** фанлари — умуминженерлик фанлари, ёнғинга қарши кураш техникаси, инженерлик психологияси, эргономика, саноат дизайнни ва башқа.
- Шу билан бир қаторда „Мәхнат мұхофазаси” үз услугуб ва воситаларига, маълум бир билим соҳаси сифатида мустақилликта эга.

ММ фанининг максади:

- ишлаб чиқаришда хавфсиз ва соғлом иш шароитларини яратиш учун мутахассисларни назарий ва амалий жиҳатдан тайёрлаш,
- технологик жараёнларда ва машина ва механизmlарда авариялар содир бўлганда ишчи ва хизматчиларни тўғри ҳаракат қилиш ва ҳимояланишга ўргатишидир.

ММ фани ўз мақсадига эришиш учун талабаларни қуидаги асосий масалаларни ечишга ўргатиш вазифаларини белгилаган:

- ишлаб чиқаришдаги юзага келадиган хавфларни идентификациялаш, яъни уларнинг сонли характеристикаларини ва тавсифларини аниқлашга;
- машина ва механизмларда қўлланиладиган хавфсизликни таъминлаш техник воситаларига;
- меҳнатнинг хавфсиз шароитларини лойиҳалаш услубларига;
- меҳнат хавфсизлиги шароитларини инсоннинг физиологик ва психологияк ҳолати қўрсаткичларига боғлиқ ҳолда таҳлил қилишга ва лойиҳалашга;
- меҳнат мухофазаси бўйича асосий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни билиш, ўрганиш ва амалда қўллай билишга;

- меҳнат хавфсизлиги шароитларини яратишда мансабдор шахсларнинг вазифалари ва жавобгарликларига;
- ишлаб чиқаришдаги жароҳатланиш ва касб касалликларини таҳлил қилиш услубларига;
- хавфли ва заарли ишлаб чиқариш омилларининг юзага келишининг олдини олиш принциплари, услублари ва воситаларини таҳлил қилишга;
- заарсиз иш шароитини таъминловчи үмумий ва шахсий ҳимоя қилиш услуг ва воситаларига;
- турли машина ва механизмларни, электр қурилмаларини ишлатганда, техник хизмат кўрсатганда ва таъмирлашда кўриладиган асосий техника хавфсизлиги талабларига;
- ёнғин чиқиш сабаблари, унинг олдини олиш ва ўчиришнинг ташкилий ва техник воситаларига.

Классик ҳолатда ММ фани қуидаги таркибий қисмларга бўлинади:

1. „Меҳнат мухофазаси”нинг ҳуқуқий ва ташкилий асослари.
2. Ишлаб чиқариш санитарияси ва гигиенаси;
3. Меҳнат хавфсизлиги асослари (техника хавфсизлиги);
4. Ёнғин хавфсизлиги асослари.

ММ фанининг ривожланишига ҳисса қўшган олимлар ва уларнинг ишлари.

- Аристотель (бизнинг эрамиздан олдинги 384-322 йилларда яшаган).
- Гиппократ (эрамиздан олдинги 460-377 йилларда яшаган). Бу олимларнинг асарларида меҳнат шароити масалалари ўрганилган.
- Парацельс (1493-1541): Тикланиш даврининг буюк табиби ўзининг асарларида тоғ ишлари билан боғлиқ бўлган хавфларни ўрганган. Қуйидаги “Бор бўлган ҳамма нарса заҳар ва бор бўлган ҳамма нарса доридир. Факат битта дозагина моддани заҳарга ёки дорига айлантиради” деган фикр унинг қаламига мансуб, (меъёrlаш принципи юқоридаги фикрдан келиб чиқмаганмикан?)

- Немис врачи ва metallurgi Агрикола (1494-1555) ўзининг “Тоғ ишлари тўғрисида” деб номланувчи асарида меҳнат муҳофазаси масалаларини баён қилган.
- Италиялик врач Рамаццини (1633-1714) касбий гигиенага асос солган, у “Хунармандлар касалликлари” деган китобини ёзган.
- Рус олими М.В. Ломоносов (1711-1765) тоғ ишларида меҳнат хавфсизлиги бўйича асос бўлувчи асарларини ёзган.

XIX асрда саноатнинг жадал ривожланиши натижасида хавфсизлик муаммолари билан шуғулланувчи бир қанча кўзга кўринган олимлар пайдо бўлишди:

- Д.Л. Кирпичев (1845-1913),
- А.А. Пресс (1857-1930),
- Д.П. Николский (1855-1918),
- В.А. Левицкий (1867-1936),
- А.А. Скочинский (1874-1960),
- С.И. Каплун (1897-1943) ва бошқалар.
- В.А. Легасов. Академикнинг асарлари техносферанинг хавфсиз ривожланиш муаммоларига бағишлиланган.

■ Ҳозирги вактда ҳаётда ва ишлаб чиқаришда хавфсизлик масалалари ва муаммоларини ўрганишга Россиялик олимлардан:

Русак О.Н., Луковников А.В., Шкрабак В.С., Золотнецкий Н.Д., Долин П.А., Канаев Ф.М., Юдин Е.Я., Белов С.В., Русин В.И., Орлов Г.Г.

ва бошқалар катта ҳисса қўшган.

- Бизнинг Республикамизда ҳаётда ва ишлаб чиқаришда хавфсизлик масалалари муаммоларини ўрганишга Қудратов О.К., Юлдашев Ў. Р., Ёрматов F., Фойипов Ҳ. Э ва бошқалар салмоқли ҳисса қўшишган.

Эътиборингиз учун раҳмат